**Темир йул шохобчасига хизмат курсатиш буйича**

**ШАРТНОМА № 1**

**Карши шахри.** **«05» январ 2022 й.**

«Узбекистон темир йуллари» АЖга карашли Қарши темир йул таъмирлаш корхонаси бошлиги Тураев Сирож Худойбердиевич , бундан кейинги уринларда "Хизмат курсатувчи" деб аталади бир томондан, „Қарши Халқаро Аэропорти" МЧЖ корхонаси номидан фаолият курсатаётган рахбар У.Р Курбаннazаров бундан кейинги уринларда «Буюртмачи» деб аталади, иккинчи томондан. Узбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хужалик-юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида» ги конуни асосида ушбу шартнома тузилди.

## 1. Шартнома максади.

1. **"Хизмат курсатувчи"** темир йул шохобчасида «Буюртмачи»нинг талабига асосан таъмирлаш ишларини бажаради.

## 2. Томонларииг мажбурияти.

2.1. **"Хизмат курсатувчи"** уз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:
- бажарилган ишлар ва тегишли хужжатларни расмийлаштириш буйича маъсул шахс тайинлаш;
-шартномада белгиланган узунликдаги темир йул шохобчасида таъмирлаш ишларини бажариш ;
«Буюртмачи» буюртмаси билан белгиланган тартибда хак туланган холда иш бажариш;
-темир йул шохобчасини таъмирлаш ишларини утказишда ишчи кучи хакида, тегишли таъмирлаш асбоб-ускуна ва анжомлар билан тулик таъминлаш;
-таъмирлаш асбоб-ускуна ва анжомлар носоз булганда «Буюртмачи» нинг талаби билан соз анжомлар билан таъминлаш;
-курилиш ва таъмирлашдан утказилган темир йул изи ҳолати буйича харакатдаги таркибнинг хавфсизлигини тулик таъминлаш;
-темир йул изида аникланган нуксонни уз вактида бартараф килиш;
- темир йул шохобчасини таъмирлаш жараёнида техника хавфсизлиги коидаларига риоя килишни таъминлаш.

2.2. **«Буюртмачи»** уз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:
- шохобча темир йулда аниқланган носозликларни бартараф қилиш туғрисида уз вақтида "Хизмат курсатувчи" га хабар бериш;
- шохобча темир йулини таъмирлаш учун зарур темир йул материаллари ва жиҳозларни уз вақтида етказиб бериш;
- темир йул шохобчаси холатини тузилган иш режаси (жадвал) асосида "Хизмат курсатувчи" билан биргаликда курикдан утказилишини таъминлаш;
- темир йул шохобчасида харакат хавфсизлигини доимий таъминлаш;
- темир йул изини таъмирлаш жараёнида техника хавфсизлиги коидаларига риоя килишни назорат килиш;
- "Хизмат курсатувчи"нинг ишчи кучи ва тегишли асбоб ускуналариии уз йуналиши буйича ишлашини таъминлаш:

2.3. Белгиланган узунликдаги темир йул шохобчасини таъмирлашда, томонлар иш режаси (жадвал) асосида темир йул изида мавжуд камчилик ва носозликларни аниклаб, бу буйича далолатнома расмийлаштиришни таъминлаш;
Аникланган камчилик ва носозликларни уз вактида бартараф этиб. Бажарилган ишларини кечиктирмай, белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилгач «Буюртмачи» "Хизмат курсатувчи" билан келишилган холда «хисоб-фактура» билан тасдиклаш;

2.4. **"Хизмат курсатувчи"** темир йул шохобчасида таъмирлаш ишларини бажаришда **"БУЮРТМАЧИ"** нинг розилиги билан уз ҳисобидаги янги ва эски яроқли материаллардан фойдаланиб ишларни бажаришни уз зиммасига олади.

2.5. "Хизмат курсатувчи" шартномада курсатилгаи хизматларни уз вактида бажармаса ёки белгиланган вактда амалга оширмаса, аксинча «Буюртмачи» курсатилгаи хизмат туловини уз вактида туламаса, утказилган хар-бир кун учун 0,4% жарима тулайди.

### 3. Хисоб-китоблар тартиби.

3.1. Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларнинг умумий бахоси жорий нархда ___ сумни ташкил этади.
3.2. Бажариладиган ишлар суммасини 100 % ни **«Буюртмачи»** олдиндан **« Хизмат курсатувчи»** нинг хисоб ракамига олдиндан ташлаб беради.
3.3. **"Хизмат курсатувчи"** ва **«Буюртмачи»** уртасида бажарилган ишлари учун хисоб китоблар мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган нархга асосан амалга оширилади ва хар ой якунида бажарилган ишлар далолатномаси оркали хисоб-фактура оркали ёпилади.
3.4. **"Хизмат курсатувчи"** ва **«Буюртмачи»** уртасида шартнома тузилгач «Фойдаланувчи» хар ойда бажарилган иш хакини 15 банк кунида тулаб беришни кафолатлайди.

### 4. Форс-мажор.

4.1. **"Хизмат курсатувчи"** ва **«Буюртмачи»** агар енгиб булмайдиган табиий офатлар ёки давлатнинг такикловчи чора тадбирлари натижаларида уз мажбуриятларини бажара олмасалар, улар жавобгарликдан тулик озод этиладилар.

### 5. Кушимча шартлар.

5.1. Томонларнинг келишувига асоосан мазкур шартномага кушимчалар киритиш мумкин.
5.2. Шартнома талабларини бажариш жараёнида келиб чикадиган келишмовчилик ва низолар ёзма равишда хал килинади.
5.3. Агар ёзма равишлаги келишмовчилик ва низоларни хал килишнинг иложи булмаса Кашкадарё вилоят Хужалик судига мурожаат килинади.

### 6. Кучга кириши, амал килиш ва бекор килиш муддатлари.

6.1. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланганидан сунг кучга киради ва амал қилиш муддати «31» декабр 2022 йилгача
6.2. Мазкур шартнома томонлардан бирининг ёзма хабаридан сунг 10 кун ичида бекор килинади.
6.3. Барча узгартиришлар ва кушимчалар, иловалар томонлар тарафидан факат ёзма равишда олиб борилади.
6.4. Мазкур шартнома узбек тилида ва хар бири бир хил юридик кучга эга булган холда икки нусхада тузилади.

### 7. Алохида шартлар.

7.1. Шартномада назарда тутилмаган холатлар Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси» тугрисидаги конун ва бошка амалдаги конунлар ва конун ости актлари билан белгиланади.

### 8. Томонларнинг юридик манзиллари.

**«Хизмат кўрсатувчи»**

QARSHI TEMIR YO'L TA'MIRLASH KORXONASI (ПЧ-12)
Indeks: 180106, tel: 0375-227-02-66
Manzil: Qarshi shahar, Depo ko'chasi, 1-a uy
h/r: 20210000000479811001
Bank: TIF "MILLIYBANK" Qashqadaryo viloyat bo'limi
MFO: 00150 STIR: 207228693 OKED: 51114

Бошлик:
Имзо:____________

**«Буюртмачи»**

"QARSHI XALQARO AEROPORTI" MCHJ
Qarshi sh. Buyuk Turon ko'chasi 3-uy, Indeks: 180115
h/r: 2021 0000 1003 5472 8001
MFO: 00150 INN: 201343184 OKED: 52230
Bank: "O'ZTIF MILLIYBANK" Qarshi shahar
Tel: 75 228-58-60 Faks: 75 228-57-83

PCh-12